

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5** “*импакт-фактор*” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Тарих фанлари

ЭСОНОВ Зиёдбек Юлдашевич

Қўқон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

НОСИРЖОНОВА Нодира Алишер қизи

Қўқон давлат педагогика институти 4-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7585313>

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ХОНЗОДАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ СОҲАДАГИ ФАОЛЯТИ ТАРИХИДАН

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Қўқон хонлиги ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган минг сулоласи хонадони хонзодаларининг маърифатпарварлик, маҳаллий аҳоли қатламларига кўрсатган моддий ва маънавий кўмагига доир тарихий маълумотлар таҳлили акс этган. Топонимик номлар, уларнинг локализацияси масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Қўқон хонзодалари, Нозикбиби, ер-мулк, кўрғон, Ойимқишлоқ, Мингойим, вақф мулки, Ойимкўрғонча, Чек Моҳларойим, саховатпешалик.

АННОТАЦИЯ

На этой статье освещена история деятельности царицы Кокандского ханства в области оказание помощи нуждающимся, которые имели важный роль в социально- культурного жизни Кокандского ханства в этом периоде. А также освещена топонимические название связанные с этой проблемы и их локализации.

Ключавые слова: Царицы Кокандского ханства, Назикбиби, земли-собственность, курган, Айимқишлоқ, Мингайим, вакуфные земли, Айимкурғанче, земли Махларайим, деятельность оказание помощи нуждающимся.

ANNOTATION

This article reflects the analysis of historical data on the material and moral support of the khans of the Ming dynasty, who played an important role in the social and cultural life of the Kokan khanate, for enlightenment and the local population. The issues of toponymic names and their localization are covered.

Key words: Kokan Khanzodalari, Nozikbibi, land, fortress, Oyimqishloq, Mingoyim, foundation property, Oyimkurgan language, Chek Mohlaroyim, generosity.

Ўзбек давлатчилиги тарихида Қўқон хонлиги тарихи, жумладан унинг ижтимоий-маданий ҳаёти билан боғлиқ масалалар тарихининг ўрганиш муҳим ўрин тутди. Қўқон хонлиги ижтимоий ҳаётининг кам ёритилган саҳифаларидан бири Қўқон хонлиги хонзодалари ҳаёти ва фаолияти тарихи ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар хонлик тарихининг ушбу мавзуси жуда кам ёритилгани билан ажралиб туради. Чунки бу мавзунини ёритувчи манбалар ҳам кам учрайди. Бироқ, шу даврга оид айрим тарихий манбаларда бу масалага доир қимматли маълумотлар борлигини тадқиқотчилар таъкидлайдилар.

Хусусан тадқиқотчи Р. Абдуллаевни билдиришича, Қўқон хони Худоёрхонга бағишлаб Махзуний томонидан ёзилган ва бугунги кунда ягона нусхада Истанбул университетининг Нодир асарлар кутубхонасида 2408 рақами остида сақланаётган “Фарғона хонлари тарихи” асарида Қўқон хонлиги тарихига оид бошқа бир асарларда кам учрайдиган Қўқон хонлиги хонзодалари ҳақида бирмунча батафсилроқ маълумотлар келтирилган [1, Б.61]. Мазкур кўлёзма манбани ўрганган тадқиқотчилар фикрига кўра бу манбада минг сулоласи кўплаб таниқли хонзодаларининг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ яъни, Қўқон хонлари Умархон (1810-1822), Муҳаммад Алихон (1822-1841), Шералихон (1842-1845), Худоёрхон (1845-1858, 1862-1863, 1865-1875), Маллахон (1858-1862), Насриддинхон (1875-1876)ларнинг оналари, рафикалари, опа-сингиллари ва қизларининг номлари қайд этилган. [2, Б.25]. Бундай маълумотлар Марказий Осиёдаги давлатларда чоп этилган манбаларда ҳам учрайди. Чунончи, Қирғизистон Республикасида нашр этилган манбалараги маълумотлар бунга мисол бўлади. [3, Б.71].

Таъкидлаш керакки, ўз даврининг кенг илм сирларини эгаллаган, теран заковатли бўлиб етишган, меҳр-муҳаббати юксак қалб соҳиблари бўлган Қўқон хонзодалари давлатда қамрови бирмунча кенг саҳоватпешалик фаолиятини билан шуғулланганлар.

Қўқон хонлиги тарихида мана шундай саҳоватпешалик ишларини бошлаб берган хонзодалардан бири Қўқон хонлигининг биринчи хукмдори Шохруҳбийнинг рафикаси Нозикбиби саналади. Шохруҳбий ҳаётлигининг сўнгги йилларида, яъни тахминан 1719 йилда ўзбек уруғларини янада жипслаштириш мақсадида у Қирқ уруғи оқсоқоли қизи Нозикбибига уйланади. Шундан сўнг Нозикбиби мавқеи ўзгариб Нозик Ойим деб айтила бошланган.

Шохруҳбий ушбу хотини учун Лайлакхона (шаҳарнинг жанубий қисмида) мавзесининг бир томонида ер-мулк инъом қилади ва бу жойда Нозик Ойим учун сарой барпо этади. Икки йиллар чамаси вақт ўтиб 1721 йиллар атрофида Шохруҳбий вафот этгач, Нозик Ойим бу саройга доимий яшаш учун кўчиб ўтади. Ўзига инъом этилган сарой атрофидаги экин майдонларини атроф қишлоқлардаги ночор деҳқонларга фойдаланишга тақсимлаб беради. Ўзи ўғли Абдурахмонхонни тарбиялаш билан бирга қишлоқ қизларини мактаб очиб саводини чиқариш билан шуғулланади.

Ўз ерларидан келган маблағларни етимхона очиб мискинларни кўллаб-қувватлайди, қишлоқ мактаби харажатларига сарф этади. Ушбу сарой асосида юзага келган қишлоқга халқ “Ойимқишлоқ” деб ном беради. Кейинчалик бу жой хонликнинг бошқа аслзода аёллари учун ҳам табаррук маконга айланиб, Қўқон хонзодалари бу жойда маълум муддат яшашни ўз бурчлари ва шарафи деб биладилар. Ҳозирги кунга келиб бу жойлар шаҳарнинг “Ашурали Зоҳирий” номли маҳалласи худудларига тўғри келишини тадқиқотчилар қайд этадилар [4, Б.130].

Хонлик тарихида шундай юксак фазилатлари билан ном қолдирган хонзодалардан яна бир вакили бу Қўқон хонлиги хукмдари Норбўтабий (1763-1798) нинг хотини, яъни минг уруғи оқсоқолининг қизи Зухра Ойимдир. Малика хукмдорга турмушга чиққан пайтида ундан маҳр сифатида катта ер-мулк, ҳозирги “Вақф Чорсу” маҳалласидаги Собитқадам кўчаси атрофидаги ер-мулкларини сохибасига айланади. Шаҳар аҳли хонзодани минг уруғидан эканлигини эътиборга олиб унга “Мингойим” деб исм берадилар. Мингойим ўзига инъом этилган мулкдаги ҳовлилардан бирида мактаб очиб, отинбибиларни ёрдамида қизларни ўқитади. Бир қисм ерларини турли масжид, мадраса, хонақоҳ ва қабристонларга вақф мулки килиб беради. Мингойим Нозик Ойимнинг набира келини бўлганлиги учун Ойимқишлоқ яқинидаги ўз ерларини қайнбувисидан ибрат олиб ерсиз деҳқонларга тақдим этади. Бу жойда вужудга келган қишлоқ “Ойим кўрғонча” деб номланади.

Анъанага кўра Қўқон хони Олимхон (1798-1810) ўз хукмронлиги даврида укаси Умархонни 1806 йилда Моҳларойимга уйланиши муносабати билан келинига маҳр учун катта ер-мулк инъом этган. Моҳларойим Андижон ҳокими Раҳмонқулибекнинг қизи бўлиб 1792 йилда туғилган эди. У кейинчалик етук шоира бўлиб етишади ва Нодира тахаллуси билан эл орасида машҳур бўлади. Унга берилган ер-мулк “Чек Моҳларойим” деб аталади. У бу мулкда илм-маърифатни ривожлантиради, ёш ижодкор қиз-жувонларни ижодини кўллади.

Бундан ташқари Моҳларойим ҳам Қўқон хонзодалари удумларига амал қилиб қайнонаси Зухра Ойим (Мингойим) ва момоқайнойиси Нозик Ойимдан ибрат олади. У ҳам Ойим қишлоғи мавзесида яна бир қўрғон ташкил этиб ночорларни қўллаиди, деҳқонларни ўзларига фойдаланишга ер-мулк бўлиб беради, болаларини саводини чиқаради. Буни натижасида ушбу заминда пайдо бўлган янги қўрғонга халқ “Моҳларойим” қўрғони деб ном берадилар. Таъкидлаш керакки, Қўқон хони Умархон (1810-1822) давридаги хотин-қизлар ҳаёти, уларнинг мактабдаги таълим олиш жараёнлари, ижтимоий ҳаёти, таниқли намоёндалардан шоира Дилшод ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим маълумотлар “Тарихи муҳожирон” асарида ҳам бирмунча батафсил ёритилганлигини тадқиқотчилар қайд этадилар [5, Б.140].

Қўқон хонлиги тарихида саҳоватпешалиги билан ном қолдирган хонзодалардан яна бир бу “Қозоқ Ойим” номли хонзода бўлиб ҳисобланади. Қозоқ Ойим номи аслида Қўқон хони Худоёрхоннинг биринчи хотини шахзода Насриддинбекнинг онаси Мингли Ойимнинг халқ томонидан берилган номидир.

Мингли Ойим қипчоқ уруғи сардори Мусулмонкул мингбошининг қизидир. Худоёрхон ҳам ушбу хонзодага уйланган вақтида маҳр сифатида унга каттагина ер-мулк тақдим этган. Бу жойларда юзага келган мавзе эса “Қозоқ Ойим мавзеси” деб ном олган. Бу жойлар Қўқон шаҳарининг ҳозирги Абу Таййиб Хўқандий мавзесининг Озодлик маҳалласи шарқий қисмларига тўғри келиши таъкидланади [6, Б.146]. Қозоқ Ойим ҳам ўзидан аввалги тарихий даврларда яшаб ўтган хонзодалардан ўрناق олиб бу мулкидаги экин майдонларини ерсиз деҳқонларга бўлиб берган, улар фароғати учун боғ-сайргоҳлар ташкил этган.

Шу ўринда айтиб ўтишни ўринли деб топдикки, бу хонзодаларнинг айримлари вафотидан сўнг “Даҳмайи Модарихон” (Оналар(аёллар) мақбарасига дафн этилганлар. Жумладан, 1842 йилдаги Бухоро-Қўқон уруши даврида Бухоро ҳукмдори Насруллоҳон (1826-1860) томонидан қатл этилган Нодирабегим яъни Моҳларойим ҳам шу мақбарага дафн этилган эди [7, Б.230].

Бирок ушбу ёдгорликдан ҳозирда фақат асосий фасад бурчакларида барпо этилган икки минорали гумбазли пештоқ (7,5x8,7 м) сақланиб қолган холос. Пештоқнинг ўнг томонида бир сиркор кошин плитасида уста “1241/ 1825 йил” деб ёзув қолдирган. Демак ушбу мақбарага бизнингча Муҳаммад Алихон (1822-1841) ҳукмронлиги давридан кейинги хонлар шажрасига мансуб аслзода аёллар дафн этилган.

Қўқон хони Шералихон (1842-1844)нинг хотини яъни бўлғуси Қўқон хони Худоёрхоннинг опаси Ёркин Ойим ҳам шундай саҳоватпеша хонзодалардан бири эди. Халқ томонидан унга Ҳоким Ойим таҳаллуси берилган. 1843 йил Шералихон унга маҳр сифатида бир қанча ер-мулк инъом этади ва бу ер мулкларга Чек Ҳоким Ойим номи берилади. Ҳоким Ойим бу мулкларни янада ривожлантириш мақсадида Чалпак мадрасасига вақф мулки қилиб хатлаб беради. Тадқиқотчи олимлар фикрига кўра бу жойлар ҳозирги Қўқон шаҳарининг Алишер Навоий маҳалласидаги Ҳалқлар Дўстлиги кўчаси ўрнига тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон хонлиги тарихида Нозик Ойим, Мингойим, Офтобойим, Ҳоким Ойим, Моҳларойим, Мингли Ойим каби қатор саҳоватпеша хонзодалар яшаб ўтганлар. Улар ўз даври шароитидан келиб чиқиб ўз атрофидаги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаганлар. Бу йўлда муҳтож деҳқонларга ер-мулк тақсимлаб берганлар, ўғил-қизлари учун ўз ҳисобларидан мактаблар очганлар, ҳордиқ чиқаришлари учун эса боғлар, чорбоғлар ташкил этганлар. Оддий халқ вакиллари ҳам ўз ўрнида уларга меҳр билан қараган, уларни улуг номлар билан сифатлаб исм берган, уларнинг сарой-қўрғонлари ёнида ўз маҳаллаларини вужудга келтирганлар. Мазкур аслзода аёлларнинг олиб борган саҳоватпешалик ишлари тарихи даврлар ўтиб маълум даражада унитилган бўлсада, лекин улардан хотира топонимлар (жой номлари) тарзида бўлсада бизнинг кунларимизгача етиб келди. Уларнинг саҳоватпешалик фаолияти бугунги авлод учун ҳам ҳамиша яхши ибрат андозасини ўтайди деб ҳисоблаймиз.

Зеро, мустақил Ўзбекистонда ҳам хотин-қизларни ҳар томонлама камол топишига, фаолиятини юксалишига кенг имкониятлар яратилган. Чунки аёл эъзозланган жамиятда хамиша жадал тараққиёт бўлган.

ИҚТИБОСЛАР

1. Абдуллаев Р. Қўқон хонлиги маликалари (“Фарғона хонлари тарихи” асари маълумотлари асосида).// “Қўқон хонлиги давлатчилик тарихи” мавзусидаги халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Қўқон 14-15 апрель. Қўқон-2022.
2. Зиёвуддин Махзуний. Фарғона хонлари тарихи. Истанбул университети, “Нодир асарлар кутубхонаси” фонди, 2408-рақамли қўлёзма.
3. Дуйшонбаев П. Тўрт хан ардактаган Жаркынайым // Мамлекеттик жана муниципалдык кызмат. № 50. 2017; Зиябидин Максым. Фарғана хандарынын тарыхы. Бишкек. 2007.
4. Дадабоев М. Я. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. – Ф.: Фарғона, 2007.
5. Дилшоди Барно. “Тарихи муҳожирон” // Қаранг: Ш. Воҳидов. XIX–XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. – Т. : 1998.
6. Дадабоев М. Я. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. – Ф.: Фарғона, 2007.
7. Бобобеков Х. Қўқон хонлиги тарихи. – Т.: Фан, 1996.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**